

Эрназаров Дилмурод Зухриддинович
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Рахимбабаева Нигора Абдурасуловна
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ТОЛЕРАНТЛИК - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИДЕОЛОГЕМАСИ СИФАТИДА

Кириш. Толерантлик ҳақидаги замонавий фалсафий гоялар асосан Х-асрнинг 20-йилларида тоқатсизлик ва зўравонлик, диний тўқнашувларга қарши чиққан файласуфлар томонидан янада ривожлантирилди. Толерантлик умумбашарий қадрият ва динлар, халқлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги тинчлик ҳамда тотувликнинг асосий таркибий қисми сифатида тан олинди. Толерантлик нафақат назарий тушунча, балки маълум бир маданият элементи ҳамдир. Шу билан бирга, маданият жамият аъзоларининг ҳаётий фаолиятини белгилайдиган билимлар, қадриятлар ва меъёрлар тўплами сифатида тушунилади. Фуқароларнинг онгида шаклландиган толерантлик тушунчаси - толерантлик маданияти орқали ривожланади, амалиётда намоён бўлади.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, толерантлик “рақобат ва курашлар, изоляция қилиниш, касталарга бўлиниш жараёнига қарши бўлган тушунча сифатида” ривожланган жамиятнинг маҳсулидир. Толерантлик нафақат бировнинг позициясига ҳурмат сифатида, балки бу ҳурматнинг танқидий мулоқот натижасидатурлихил қийматтизимлариташувчилари позициясининг ўзаро ўзгаришига бўлган муносабат билан бирлашиши сифатида тушунилади. Бундан ташқари, жамиятда юз берадиган нохуш ҳолатлар, зиддият, келишмовчиликларни ҳал қилиш учун тинчлик воситаларининг устуворлигини тан олиш. [Мир политики: актуальные проблемы политологии. [1].

“Толерантлик маданияти” тушунчасига қарама-қарши бўлган тушунчалардан яна бири бу - “эгоцентрик маданият” тушунчасидир. Эгоцентрик маданият шахснинг ўзини ўзи тасдиқлаш, ўзгалар устидан ҳуқумронлик қилиш истаги билан тавсифланади. Ушбу шахе учун қолган барча инсонлар унинг рақобатчиларидир. У ўзига эътиборни қаратиб, шахсий мақсадларига эришишга интилиб, эгоцентрик қарашлар ва маданиятни шакллантиради. Шунинг учун бундай инсон ўзи хоҳлаган нарсасига эришиш учун бошқаларнинг манфаатларини қурбон қилади.

Материаллар ва усуллар. Мазкур муаммони ўрганишда бир қатор россиялик олим ва тадқиқотчилар Соколов В.М., Хомяков М.Б., Митина О.В., Степанова И.Н., Комогоров П.Ф., Победа Н.А., Галкин А. А., Красин Ю.А. кабиларнинг илмий мақолалари ўрганилди.

Бундан ташқари, европалик тадқиқотчилар Hjern, M., Eger, M.A., Bohman, A. et al. A New Approach to the Study of Tolerance: Conceptualizing and Measuring Acceptance, Respect, and Appreciation of Difference. Soc Indic Res 147, 897-919 (2020). <https://doi.org/10.1007/s11205-019-02176-y>

Rustenbach, E. (2010). Sources of negative attitudes toward immigrants in Europe: A multilevel analysis. International Migration Review, 44(1), 53-77. кабиларнинг илмий мақолалари ўрганилди.

Мақолани тайёрлашда тизимли таҳлил, анализ, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди.

Муаммо таҳлили. “Эгоцентрик маданият”нинг мавжудлиги фуқароларнинг “интолерантли” Ти тоқат қила олмаслигининг асосий сабабларидан биридир. Турли хил маданиятларда толерантлик тушунчаси бир хил эмас, бу халқларнинг тарихий тажрибасига боғлиқ. Толерантлик сўзининг лингвистик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, турли тилларда толерантлик сўзи турлича талқин қилинади.

Инглиз тилида - толерантлик “инсонни ёки бирор нарсани норозиликсиз идрок этишга

тайёрлиги ва қобилияти”ни англатади.

Француз тилида - толерантлик “бошқаларнинг эркинлиги, унинг фикрлаш тарзи, хулқ- атвори, сиёсий ва диний қарашларига ҳурмат” деган маънони англатади.

Хитой тилида - толерантлик “бошқаларга нисбатан саховат кўрсатишга руҳсат бериш, ижозат бериш”ни англатади.

Араб тилида - толерантлик “кечиримли бўлиш, мурасага келиш, юмшоқлик, ён бериш, раҳм-шафқат, хайрихоҳлик, сабр-тоқат, бошқаларга нисбатан мойиллик” кўрсатишни англатади.

Форс тилида - толерантлик “сабр-тоқат, чидамлилик, ярашишга тайёрлик” кўрсатишни англатади.

Рус тилида ўхшаш маънога эга иккита сўз бор - толерантлик ва багрикенглик. «Толерантлик» атамаси одатда тиббиётда, гуманитар фанларда қўлланилади ва “унинг таъсирига сезгирликнинг пасайиши натижасида ҳар қандай нохуш омилга жавоб йўқлиги ёки заифлашиши” деган маънони англатади.

Кундалик нутқда ишлатиладиган “багрикенглик” сўзи бирон-бир нарсага ёки кимсага, шу жумладан, масалан ўзга ғайридин вакиларига, ўзга мамлакат фуқаросига нисбатан багрикенг муносабатни англатади. Бу сифат нафақат индивидуал кишига, балки ижтимоий гуруҳга ва умуман жамиятга ҳам хос бўлиши мумкин.

Россиялик тадқиқотчи В.М.Соколовнинг таъкидлашича “Толерантлик” ва “сабр-тоқат” тушунчаларини фарқлаш керак. “Сабр-тоқат” - бу шахе (ижтимоий қатламлар, гуруҳлар) томонидан унга мос бўлмаган ижтимоий, маънавий ва бошқа таъсирларни идрок этиш даражаси, психологик чегараси бўлиб, у психологик ва иродавий барқарорлигини йўқотади ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳаракатларни келтириб чиқаради” 2; 54].

Агар илмий адабиётда келтирилган таърифларни таҳлил қилсак, унда толерантликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- бу модал стоизм, бошқа инсоннинг ҳам қўплаб “ҳуқуқларга эга” эканлигини тан олиш;
- инсонпарварлик муносабатларида ифодаланган ахлоқий идеалнинг мавжудлиги;
- жамоат манфаатлари ва инсон ҳуқуқларининг уйғунлиги;
- зиддиятли гуруҳлар ўртасидаги кучлар мувозанатининг мавжудлиги;
- тинч яшашга эришишнинг бошқа йўллари мавжудлиги;
- фуқаролик жамиятида фуқароларнинг толерантлик маданиятининг шаклланганлиги ва бу ижтимоий норма сифатида жамиятда қарор топганлигидан далолат беради.

Илмий адабиётларда толерантлик, аввало, тенгликни ҳурмат қилиш ва эътироф этиш, ҳукмронлик ва зўравонликни рад этиш, инсоний муносабатлар маданияти, меъёрлари, эътиқодларининг кўп қирралилиги ва хилма-хиллигини тан олиш сифатида қабул қилинади. Толерантлик бошқаларни қандай бўлса, шундай қабул қилишга, уларнинг қарашлари ва фикрларини ҳурмат қилишга ҳамда улар билан розилик асосида ўзаро муносабатда бўлишга тайёрликни англатади.

Бефарқлик, конформизм, ўзгалар манфаатларига тажовуз қилиш керак эмас. Аввало, толерантлик барча манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабати ва фаол позициясини назарда тутаяди. Амалиётда толерантлик фаолият турига қараб турли хил концепциялашиши мумкин:

- тадқиқотчилар томонидан - назарий таҳлил ва эмпирик фактлар даражасида;
- давлат арбоблари - мулоқот даражасида, анъанавий келишув.

Аниқ давлатларнинг ижтимоий сиёсатида толерантлик плюрализм, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари ғояларини тарқатиш ва амалга ошириш билан боғлиқ.

Оддий онг даражасида толерантлик кўпинча бошқа маданиятларнинг эътиқодлари, ҳиссиётлари, урф-одатлари, турли ижтимоий гуруҳларга нисбатан толерантлик, менталитет зиддиятлари ва ўзига хос манфаатларни рўёбга чиқариш ҳолатларида кучли таъсир қилишдан сақланиш қобилияти сифатида тушунилади.

Шахсларнинг толерантлик хатти-ҳаракатларини муваффақиятли шакллантириш учун ҳақиқий

толерантлик маданияти нима эканлигини тушуниш керак. Турли маданиятларда толерантликка муносабатларнинг бир неча турлари мавжуд. Улар қуйидагилар:

- бу дунёда ҳамма нарсанинг органиклиги, яхлитлиги ва ўзаро боғликлиги принципини инсоннинг атрофдаги дунё билан муносабатининг асоси сифатида эълон қилади;

- коинотнинг энг кичик элементлари суверенитетини тан олиш ва ушбу элементларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципи;

- прогрессив ривожланиш принципи ва инкилобий ўзгаришларни рад этиш.

Бу космоцентрик маданият. Ғарб маданияти доирасида ушбу йўналиш ўрта асрлик Европа мутафаккирлари асарларида энг аниқ ифодаланган. XX асрнинг машҳур тадқиқотчилари В.Вернадский, А.Швайцер, Э.Фромм, Ю.Лотманлар томонидан толерантлик тушунчаси турлича талқин қилинади.

Кўплаб жамиятлар маданиятида яққол намоён бўлган муносабатларнинг яна бир тури бу - социоцентрик маданиятдир. Ушбу муносабатлар тизимининг ўзига хос хусусияти коинотнинг маркази маълум бир инсон жамоаси бўлиб, улар энг олий табақа, деб ҳисоблайдилар.

Социоцентрик маданиятнинг асосий хусусияти - бу шахсиятнинг қандайдир жамоада, “биз”да тарқалиши ва бошқа ижтимоий гуруҳлар аъзоларини “улар”, деб уларни бегона ва ўзга, деб қабул қилиш ҳолатидир.

Инсонларни “биз” ва “бегоналар”га бўлиш турли мезонларга кўра, диний, синфий, миллий ва бошқа мезонларга кўра содир бўлиши мумкин. Демак, синфий, диний ёки ижтимоий нафрат, бу масъулиятни индивидуал шахслар эмас, балки жамоат ўзига хос яхлитлик сифатида олади.

Толерантлик - бу алоҳида қадриятларга ва манфаатларга эга бўлган ва керак бўлса, уларни ҳимоя қилишга тайёр, аммо шу билан бирга бошқа инсонларнинг позициялари ва қадриятларини ҳурмат қиладиган етук кишининг ҳаётий позициясининг муҳим таркибий қисмидир. Толерантлик ҳар хил муносабатлардан турлича акс этади. Масалан: ахлоқий ва маънавий, миллий, ҳуқуқий муносабатлар.

Толерантлик мақоми. Мақомга кўра, толерантликнинг асосий турлари қуйидагилардир: жинсий толерантлик, ирқий, ёш, миллий-этник, лингвистик, ижтимоий, мулкӣ, профессионал, сиёсий, конфессиянал, минтақавий ва бошқалар.

Толерантлик муносабатларининг субъектлари ҳам яққо шахслар ҳам бутуй жамоалар бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, мақом мезонлари асосида толерантлик турларини аниқлаш етарли эмас. [Хомяков М.Б. (2003), 3; 98].

Ўзаро таъсир ўтказадиган субъектларнинг кўламига қараб, толерантликнинг қуйидаги даражаларини ажратиш мумкин: ўз-ўзини толерантлик, индивидуал-шахсий даража, гуруҳ ёки ижтимоий даража, бу инсонларнинг ихтиёрий ташкилотлар, жамиятлар ва қасаба уюшмалари тузиш учун ажралмас ҳуқуқларини тан олишни аниқлатади. Ундан кейин этник, миллий-давлат ва ижтимоий-маданий даражалар.

Муайян инсонда толерантлик турли даражаларда намоён бўлади - бошқаларга нисбатан очик душманликдан тортиб, суҳбатлашиш истаги ва хатоларини тан олишгача.

Толерантликка ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари ўз моҳиятига қарама-қарши бўлган баъзи таърифлар ҳам берилмоқда. Илмий адабиётларда толерантлик нутқи концепциянинг мазмунли маънолари хилма-хил ва кенг эканлигидан далолат беради ва унинг таърифига умумий концептуал ёндашув ҳали топилмаган.

Шундай қилиб, толерантлик ўзини ижтимоий муносабатларнинг ҳаракатчан шакли сифатида намоён қилади. У ўз-ўзидан пайдо бўлолмайди. Уни ривожлантирувчи субъект бу - инсонлардир. Инсоний муносабатлар толерантликни турли жиҳатлари ва янги қирраларини шакллантиради. Толерантлик ўз моҳиятига кўра, барқарор ҳаёт тузилмалари, масалан, инсоннинг яшаш ҳаётини яхшиланиши, сифатини ошириши, замонлар ва авлодлар алоқасини таъминлайдиган, авлодлар тажрибасини ва улар яратадиган қадриятлар тизимини ижтимоий муносабатлар негизидан сайқаллаштиради.

Толерантлик мезонлари

Куйидаги толерантлик мезонларини ажратиб кўрсатиш мумкин, уларни шакллантириш замонавий жамиятнинг энг муҳим вазифасидир: тенглик; гуруҳ ёки жамият аъзоларининг ўзаро ҳурмат, турли гуруҳларга хайрихоҳлик ва толерантлик; жамиятнинг барча аъзоларининг сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун тенг имкониятлар; миллий озчиликларнинг маданий ўзига хослиги ва тилларини сақлаш ва ривожлантириш; оммавий тадбирларни ривожлантириш, ОАВларида миллий, этний, диний байрамларни кўпроқ ёритиш; ўзга миллат-элатларнинг анъаналарини ҳурмат қилиш; дни эркинлиги; умумий муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик ва бирдамлик; миллатлараро муносабатларнинг энг заиф соҳаларида, жинслар ўртасидаги ижобий муносабатларни шакллантириш.

Толерантлик ва либерал плюрализм модели

Ушбу мезонларнинг барчаси либерал плюрализм моделига мос келади, уни бутуй жамият даражасида толерантлик тимсоли сифатида талқин қилиш мумкин. Либерал плюрализм модели иккита кутбни ўз ичига олади.

Биринчидан, жамиятдаги турли гуруҳлар томонидан қабул қилинган турли хил ахлоқий ва диний эътиқодлар мавжуд.

Иккинчидан, ҳар бир фуқаронинг адолатли муомала ҳуқуқларини, шу жумладан ўз эътиқодларини ривожлантириш ва ифода этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳолис давлат мавжуд [Галкин А.А., Красин Ю.А. (2003), 7; 64].

Толерантлик ва интолерантликнинг ўзаро муносабати

Толерантликнинг тескараси - тоқат қилмаслик (интолерантлик) ёки тоқат қилмасликнинг намоён бўлишини англатади. Замонавий илмий адабиётларда тоқат қилмаслик тобора жиддий таҳдид сифатида қаралмоқда, чунки демократик жамиятда муросасизлик билан тинчлик ўрнатиш мумкин эмас. Ушбу ҳодисанинг сабабларидан бири куйидагилардир: “интолерантлик инсон ёки ижтимоий-маданий гуруҳнинг уларнинг эътиқод тизими ёки турмуш тарзи устун эканлигига ишончидан келиб чиқади” ва шунинг учун «бошқаларга» нисбатан ноҳолислик, ҳақорат, камситиш, таъқиб қилиш, кўрқитиш, ажратиш ва ҳоказолар амалга оширилади.

Интолерантлик салбий стереотиплар ва хурофотлар, ксенофобия, миллатчилик, фашизм, империализм, камситиш, эксплуатация, диний қувғин, сургун, ажратиш, шу жумладан апартеид, репрессия, вайронагарчилик ва геноцид - муросасизлик кабиларнинг келиб чиқишининг асосий сабаби ҳисобланади. Этник ва диний озчиликлар, ногиронлар, кекса ёшдаги фуқаролар ва бошқалар кўпинча жамиятда интолерантликни ҳис этадилар.

Толерантлик ва мультикултурализм

Толерантлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва уни янада кучайтирадиган яна бир жиҳат - бу мультикултурализм. Ушбу концепция одатда турли хил маданият субъектларининг (давлат ва жамоат) турли хил маданиятларини тенг равишда ривожлантиришга, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида аҳолининг турли гуруҳлари камситилишини енгишга, иш билан таъминлаш ва таълим олишда тенг имкониятларни таъминлашга, керакли ижтимоий мавқега эришиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, мультикултурализм бир мамлакатда турли маданиятлар ва гуруҳларнинг биргаликда яшашини тарғиб қилишни англатади.

Хул оса. Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилликларда «толерантлик» тушунчаси илмий, ижтимоий, сиёсий, ҳалқаро муносабатлар, маданий соҳаларда энг муҳим, энг кўп ишлатиладиган универсал атамага айланди. Толерантлик ўз моҳиятига кўра барча соҳалар ва муносабатлар тизимини қамраб олади.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг асоси сифатида толерантлик муносабат ҳам, ижтимоий меъёр ҳам эмас, балки бу мавжуд вазиятни оқилона тушуниш билан белгиланадиган қарорларни қабул қилиш процедурасидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мир политики: актуальные проблемы политологии. (2001), - Волгоград, 205 с.
2. Соколов В.М. (2003), Толерантность: состояние и тенденции // Социс, № 8, 54 с.

3. Хомяков М.Б. (2003), Толерантность: парадоксальная ценность //Журнал социологии, социальной антропологии. № 4, т. 4, 98-112 с.
4. Митина О.В. (2000), Психосемантический анализ этнических стереотипов: Лики толерантности и нетерпимости. — М. : Смысл, 17 с.
5. Степанова И.Н., Комогоров П.Ф. (2000), Феномен толерантности в теоретических измерениях // Наука и образование Зауралья, № 2, 263 с.
6. Победа Н.А. (2007), Толерантность: содержательные смыслы и социологическая интерпретация // Социс, № 6, 14 с.
7. Галкин А.А., КрасинЮ.А. (2003), Культура толерантности перед вызовом глобализации // Социс, № 8, 64 с.
8. Shermuhammedova, N. "Methodology and phylosophy of science." (2012): 165.
9. Абдуллаева, Н., & Шермухамедова, Н. (2023). Духовно-просветительское значение наследия
10. Махмудходжи Бехбуди . in Library, 7(1). извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21738>
11. Нишанова, О. (2023). Научно-теоретические концепции, направленные на изучение этнокультуры, in Library, 7(1), 1-22. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21924>